

“Диққат, эксперимент!”

Шу кунларда Бухоро вилоятида мамлакатимиз парламенти томонидан ишлаб чиқилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 13-16 сентябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан бир гуруҳи Бухоро вилоятига ташриф буюришди. Улар мазкур қонун лойиҳаси синовининг II босқичида вилоятда олиб борилаётган ишлар натижалари билан яқиндан танишдилар.



Ишлаб чиқаришда янги технологиялар

Мамлакатда саноатнинг янада ривожланиши янги технологиялар жалб қилинишига ҳам боғлиқ. Шу боис, юртимизда ишлаб чиқариш соҳасида замонавий жиҳозларни қўллаш ва чет эл корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатилмақда халқаро кўргазмалар ўтказиш аънаёнага айланган.



Пешқадам партиядошлар

“Адолат” СДП бошланғич ташкилотининг ибратли ишлари хусусида

БПТ нимага қодир!



Улар ўн беш нафар. Вилоятдаги йирик фермер хўжалиги аъзоларининг бир қисмини ташкил этишади. Лекин жамиятдаги янгиликлар моҳиятини, ислохотлар мақсадини ва партиянинг дастурий вазифаларини чуқур илғаб олишгани боис ўзларини кўпгина салмоқли ишларга қодир деб билишади. “Оҳалик олтин боғлари” фермер хўжалиги вилоят қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар самарадорлигини таъминлашнинг пешқадамига айлалишида уларнинг муносиб ҳиссаси бор.



Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб, “Биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокама этилди.



Васийлик ва ҳомийликка оид қонунчилик такомиллаштирилмоқда

Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишига асосан ишлаб чиқилган. Биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбурият-

лари, биржа савдоларини ташкил қилиш, ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш тартиби каби масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш қонун лойиҳасининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Мавлуда НИШОНОВА, фракция аъзоси:

— Сўнги йилларда аҳолининг даромадлари ошиши туфайли фонд бозорига ўз сармояларини йўналтираётган фуқароларимиз сони ортиб боришига қарамадан, фонд бо-

зорининг аҳолига қўшимча даромад манбаи сифатида ўрни кўнгилдагидай эмас эди. Муҳокама қилинаётган мазкур қонун лойиҳаси айнан биржа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, биржа фаолияти билан боғлиқ атамалар ва таърифлар кенг очиб берилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда биржа битимларининг ихросини кафолатлаш биржа фаолиятининг асосий принципи этиб белги-ланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, биржа битимларининг адолатли ихро этилишида муҳим

аҳамият касб этади. Айниқса, қонун лойиҳасида мамлакатимиз фонд бозорини янада ривожлантириш учун тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш тартибининг жорий этилаётгани партияимиз сайловолди дастурига тўла мос келади. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кенг муҳокама қилинди ва концептуал жиҳатдан маъқулланди. Йиғилишда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни

лоийҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Раъно ГАИМОВА, фракция аъзоси:

— Жамият ҳаётининг муҳим талабларидан бири ҳисобланган васийлик ва ҳомийлик институти ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, бу институтлар фаолиятини амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.



Истиқболли ёшлар — мамлакат келажаги

“Ёш адолатчилар”

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси “Ёш адолатчилар” қаноти билан ҳамкорликда “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — обод турмушнинг муҳим омили” мавзусида давра суҳбати ўтказди.



Хоразмлик фаол аёллар

«Адолат»нинг адолатли аёллари

2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб номланиши инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг эртанги кунимизнинг янада обод ва эркин бўлиши йўлида ташланган яна бир улкан қадам бўлди. Бу эса ушбу йилда ҳам аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш имконини бермоқда.



“Адолат”чилар ибрати

Яқинда “Чортоқ” сыхатгоҳи ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Бу ерда бутунлай янгиланган даволаш биноси ишга туширилди.

Мазкур объектдаги қайта таъмирлаш ишларининг асосий қисмини “Чортоқархитектқурилиш” МЧЖ бунёдкорлари бажардилар. Бу жамоага эса у ташкил топгандан бери Абдукарим Дўстбоев бошчилик қилади. Жамият раҳбари қарийб ўн йилдан бери Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг депутати.



Жараён



Васийлик ва ҳомийликка оид қонунчилик такомиллаштирилмоқда

Негаки, айна пайтда амалда бўлган, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида васийлик ва ҳомийлик органлари тушунчасига аниқ таъриф берилмаган, шу билан бирга, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни амалга ошириш механизмлари етарли даражада тартибга солилмаган. Шунинг учун қонун лойиҳасида васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарликлари ва самарали механизмларини белгилаш, бу институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби нормалар назарда тутилмоқда.

Шунингдек, васийлик ва ҳомийликка олинган шахсга

тегишли бўлган мол-мулкни сақлаш ва бошқариш билан боғлиқ қоидаларни такомиллаштириш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, васийлар ва ҳомийларнинг жавобгарлигини, маълум тоифадаги шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийликнинг аниқ механизмларини белгилаш каби масалалар ҳам қонун лойиҳасининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу каби нормалар адолатлилик, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби партияимизнинг дас-дас-дас бўлиб қўйилган асосий қоидаларига мос келади.

Йиғилишда шунингдек, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуни лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тизимининг ҳамда васийлик ва ҳомийликни амалга ошириш механизмларининг такомиллаштирилишини, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илс САХАТОВ, «Adolat» мухбири

«Ўзэкспомарказ — 2013» Ишлаб чиқаришда янги технологиялар

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида энергетика, кимё ва қурилиш соҳаларига бағишланган халқаро саноат кўргазмаси иш бошлагани ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистондаги қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши, мамлакатга қўллаб-қувватловчи компаниялари жалб этилиши чуқур ўйланган ва узоқни кўзланган ислохотлар билан боғлиқдир. Жумладан, Ўзбекистонда 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастурига кўра, 645 та инвестицион лойиҳани амалга

ошириш кўзда тутилган бўлиб, ажратилаётган маблагнинг асосий қисмини энергетика соҳасига йўналтириш режалаштирилган. Бу эса, албатта, янгидан-янги корхоналарни қуриш, имкониятлар қўламини оширишга хизмат қилади.

Кўргазмаларнинг ташкил қилиниши мутахассисларга технологияларнинг сўнгги янгилликлари билан танишган ҳолда ўз ишларини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтиришга ёрдам беради. Шу сабаб уларда чет эл корхона-қатнашчилари сони йил сайин ортиб бормоқда.

Энергетика, кимё саноати ва саноат қурилиши маҳсулотлари намойиш этилган кўргазмада соҳадаги илғор ютуқлар, ишлаб чиқаришда зарур бўлган техно-

логиялар ҳамда инновацион ишланмалар тақдим этилди.

Унда Туркиянинг "Beta Transformer", "Eltas Transformer Sanayi ve Ticaret A.S." ва "Servo-Matik", Хитойнинг "China Petroleum Engineering", Италиянинг "StarPower SRL", Россиянинг "Глобал Инсулэйтор Групп" МЧЖ, Украинанинг "Электробудова Украина" МЧЖ каби чет эл корхоналари қатори маҳаллий "E-Solar", "Kuchlanish va Quvvat" МЧЖ, "Energy Motors" МЧЖ ва "Нур-ҚурилишТаъмир" МЧЖ ва "JV MAN Auto — Uzbekistan" МЧЖ қўшма корхоналари ўз хизматларини ва маҳсулотларини так-тилади.

Феруз ЖҲҲАЕВ, «Adolat» мухбири



Хусан АСРОФОВ

“Диққат, эксперимент!”

Давоми. Бош 1-бетда

— Вилоятда ўтказилаётган ҳуқуқий тажриба жамоатчилигини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураларини белгилайди, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлар тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлашни кўзда тутди, — дейди З.Ботирова. — Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича давлат органлари фаолияти тўғрисида аҳоли хабардорлигида оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари роли ва

аҳамиятини кучайтиришни кўзда тутган Юртбошимиз фармойиши ижроси юзасидан жорий йил мобайнида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилаётган тажриба яна бир қарра мамлакатимизда инсон манфаатларининг устуворлигини, унинг давлат сиёсати даражасидаги эътиборли масала эканини намойиш этди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳуқуқий тажриба ўтказиш тартибига биноан, жорий йилнинг май ойдан ноябрь ойигача қонун лойиҳаси талабларига мос янги тартибда ишляпти. Хусусан, янги талабларга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун ичида, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан

интервью ташкил қилиш ҳақидаги талаби эса етти кундан ошмайди мuddатда кўриб чиқилмоқда.

Депутатлар ҳуқуқий тажриба ижроси юзасидан ўтказган танишувларида Бухоро вилоятида фуқароларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни рўйхатга олиш ва уларнинг назорати билан боғлиқ масалаларни ўргандилар.

Бухоро шаҳар ҳокимлиги, шаҳар молия ва тиббиёт бошқармалари, Бухоро тиббиёт институти ва бир қатор маҳаллаларда ўтказилган тадбирларда фуқаролардан тушаётган ёзма, оғзаки ва электрон сўровлар аҳоли кўриб чиқилди. Камчиликлар назоратга олинди.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий тажрибани ўтказиш юзасидан фармойишда белгиланган мақсад ва вазифалар партияимиз аъзолари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Зеро, партияимиз дастурида ҳам

бошқарувда ошқоралик, очкилик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлиги илгари сурилган. Шу сабабли ҳам "Adolat" СДП Бухоро вилояти Кенгаши томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда жамоатчиликни ҳуқуқий тажрибанинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан таништиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай тадбирларга халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари ҳам кенг жалб этилган. Олиб борилаётган барча тарғибот-ташвиқот ишлари ва учрашувлар вилоятнинг "Бухоро", "Истиқлол", "Қоинот" телеканаллари орқали аҳолига намойиш этилмоқда.

Д.ҲАМДАМОВА, Ўзбекистон «Adolat» СДП Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари

Маҳалла сайловларига таратдуд

Кучли фуқаролик жамияти сари

Фуқаролик жамияти институтлари орасида ноёб, узоқ тарихий илдиизга эга бўлган маҳалла алоҳида ўрин эгаллайди. Фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустақамланиши натижасида маҳалла фуқароларнинг ҳаётидаги кундалик муаммоларини ҳал этувчи, кенг халқ оммасининг давлатни, жамиятни бошқаришда эркин, беғараз иштирокини таъминловчи фуқаролик жамияти институтига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан Миллий матбуот марказида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган брифинг ҳам шу ҳафта сўз борди.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ис-

лохотларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг амалдаги қонунлар доирасида ҳолис, очки-ошқора ўтишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Маълумки, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг жорий йил 12 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddати 2013 йил ноябрь-декабрь ойлари этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мамлакатимизда мазкур сайловни ўтказишга тайёргарлик кўрилмақда.

Бўлажак сайловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 мингдан ортиқ маслаҳатчиси сайланади. Бу давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳасини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Фархунда ХОЛМЕНОВА



“ТОШКЕНТ-ТОЛА”: ҳамкорлик қўлами кенгаймоқда

Жорий йилнинг 16-17 октябрь кунлари пойтахтимизда IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади

Толаси сифати юқори бўлган Ўзбекистон пахтасига хорижлик харидорларнинг қизиқиши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбек пахтасининг нуфузи ҳамда экспорт салоҳиятини янада оширишда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган аънановий Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим омил бўлаётир. Мазкур халқаро тадбир маҳсулотни харидорга тўғридан-тўғри етказиб бериш механизмини янада эркинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, пахта хомашисини етиштириш ва экспорт қилиш тармоғида амалга оширилаётган тўб ўзгаришлар самарасида кўза парваридан то унинг толага айлантириш ва экспортга чиқаришгача бўлган барча жараёнларда замонавий усул ҳамда техникадан самарали фойдаланилмоқда. Пахтакорларнинг меҳнати кенг кадр топиб, фермерлар етиштириётган юқори сифатли тола узунлиги, пишшиклиги, ранги ва микрофайр кўрсаткичлари хорижлик харидорлар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори барча хизмат турларига эга ҳамда маҳсулотни сифатли сақлаш ва жўнатишни таъминлайдиган минтақавий термinals фаолиятида муҳим аҳамият касб этаётир.

Хозир юртимизда етиштирилган тола харидорларга пешма-пеш етказиб беришни йўлга қўйишга ихтисослашган 22 минтақавий пахта терминали фаолият юритмоқда. Улар 410 минг тоннадан зиёд пахтани қабул қилиш ва сақлаш имконига эга. "Тошкент-Тола" терминали — уларнинг энг йириги. Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган мазкур терминал Тошкент вилоятининг тўқимачилик



шига кўра, то олиб кетилгунча мазкур омборларда сақлаб турилиши мумкин.

Айна вақтда харидорлар бир йўла 45 минг тоннадан кўпроқ тола олиш имкониятига эга етти омбордаги пахта толаси намунасини кўриб, далолатнома тузиш имконига эга. Корхонада Ўзбекистон "Сифат" пахта толасини сертифицирлаш марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пунктининг ташкил этилгани олди-сотди шартномасини қисқа вақтда расмийлаштириш имконини бermoқда. Экспортга жўнатиладиган пахта толаси ҳақидаги барча маълумотлар тезкорлик билан ташқи савдо компанияларига етказилади.

Юзга яқин ишчи меҳнат қилаётган "Тошкент-Тола" терминалининг ISO-9001 сифат сертификатига эга бўлгани корхонанинг ташқи ва ички бозордаги мавқеини янада мустақамлашга хизмат қилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 августда қабул қилинган «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатли бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этаётир.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири

Истиқболли ёшлар — мамлакат келажаги

Давоми. Боши 1-бетда

Фракция аъзолари, вазирлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда "Адолат" партиясининг иштироки хусусида сўз борди.

— Партиянинг парламентдаги фракцияси мунтазам равишда ёшларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда, улар билан ҳамкорликда турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошираётган, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов. — Партиямиз гоё ва мақсадларидан келиб чиқиб, ёшлар дунёқарашини шакллантириш, ҳаётда ўз ўринларини қатъий белгилаб олишлариغا кўмаклашиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаб, онгли ва билимли ёшлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш асосий вазифамиздир. Айниқса, уларда инновацион кўникмаларни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг жалб этиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий тараққиётимизни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Жойларда ташкил этилаётган турли учрашув ва давра суҳбатлари, семинар ҳамда тарғибот-ташвиқот тад-



бирлари айнан шу мақсадларга қаратилаяпти.

— XXI асрда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади. Бундай ижтимоий-маънавий ва мафкуравий аҳамиятга молик бўлган вазифа ва масъулиятни ёшлар онгига чуқур сингдирмай туриб эркин, озод ва одил турмуш тарзини барпо этиб бўлмайди, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров.

Мамлакатимизда аҳолининг 60 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг пухта билим эгаллаши, юрт фаровонлигига дахлдорлик ҳиссини туйиши, мамлакатимизда ҳамда дунёда кечаётган жараёнларда бефарқ бўлмастиклари учун биргаликда мунтазам ишлаш ва истиқболли таъминлаш нечоғлик муҳим эканлигини англаб етамиз.

Бугунги кунда юртимизда истеъдодли, маънавий етук, жисмонан соғлом ва баркамол

авлодни тарбиялаш, айниқса, ёшларнинг ўзлари қизиққан соҳаларда фаолият олиб бораётган юзасидан давлатимиз томонидан салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Фракция аъзоси Ф.Омонова қайд этганидек, нафақат "Адолат" партиясининг, балки мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партияларнинг ўрни ва мавқеини унинг амалий ишлари, юртимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси, электорат ва сайловчилар манфаатларини қай да-

ражада ҳимоя қила олиши билан белгиланиши ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан партиянинг сайловолди дастурида белгилаб қўйилган асосий мақсадлардан бири — ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга касбий, ижодий ва мансаб пиллапояларидан ўсиш учун имкониятлар яратиш, инновацион тафаккурни кучайтириш, таълим муассасаларини битирган ёш мутахассисларнинг иш билан бандлигини таъминлашга эришишдан иборат. Мазкур пар-

тиявий масалаларни ечиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳамда уни амалга ошириш мақсадида партия «Ёш адолатчилар» қанотининг «Энг яхши ижтимоий бизнес-гоё», «Инноватор ёшлар — ислохотларга кўмак» каби лойиҳалари тақдирини ўтказилди. Ишлаб чиқилган бу лойиҳалар ўзининг аниқ мақсадида эга бўлиб, улар ёшлар манфаатларини ифода-лаши билан ажралиб туради. Тадбирда ахборот коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган ҳозир-

ги глобаллашув даврида ёшларни маънавиятимизга мутлақо ёт бўлган «оммавий маданият»нинг ахлоқий тубан иллатларидан ҳимоя қилиш, хусусан, интернет тармоғи орқали кириб келаётган маънавий таҳдидлардан асраш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим талаби эканлиги ҳақида ҳам сўз юритилди.

Феруз ЖўРАЕВ, «Adolat» мухбири

Дастурий вазифаларимизнинг устувор йўналиши



Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Чилонзор туман партия ташкилоти ҳамкорлигида туманда педагоглар учун «Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий, педагогик асослари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДП таълим тизими сифатини ошириш, таълимга инновацион технологияларни жорий этишга ўзининг дастурий вазифаси сифатида қарши таъкидланди.

Давра суҳбатидан кўзланган мақсад ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамойиллари билан педагогларни кенг таништириш, соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш, таълим-тарбиянинг янги услуб ва усуллари самарадорлигини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилди. Ушбу мақсад доирасида иштирокчилар таълим-тарбиянинг янги инновацион услуб ва усуллари тўғрисида фикр алмашиб, замонавий дарс ва унга қўйилган талаблар хусусида атрафлича мулоҳаза юритдилар.

Тадбирда асосий эътибор ўқувчи, талабаларнинг ўз ижодий ёндашувларини ривожлантириш, мустақил равишда тақдиротларни тайёрлаш, ёшларнинг салоҳиятини оширишда педагог кадрларнинг малакаси ва маҳоратини

аҳамият қаратилди. Шу боис ҳам таълим тизимида инновациялар, ўқувчиларни фаоллаштиришнинг илғор усуллари билан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди. Шу қаторда таълим жараёнида тарбиявий масалаларнинг аҳамияти ҳам қайд этилди.

— Мамлакатимизда юритилаётган кучли ёшлар сиёсати мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган дастлабки ҳуқуқий ҳужжатлардан бири 1991 йил 20 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун

эканлигида катта рамзий маъно бор. Ўтган йилларда демократик ва бозор ўзгаришлари талабларига мос равишда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ниятда муҳим соҳадаги чуқур ислохотлар Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда айтилган пайтда кўламини, қамрови ва мақсадларига кўра ўта ноёб «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида амалга оширилди. Мамлакатимизда таълим шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳа, деб эълон қилинган.

Мавжуд таълим муассасаларини давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ислохот қилишдан ташқари МДХ давлатларида ўқшаши йўқ янги турдаги ўқув юртлари — касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилди. Шу тарзда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқлари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳар томонлама ижодий ривожлантиришга йўналтирилган узлуксиз ўқув-илмий ишлаб чиқариш таълимнинг ноёб яхлит тизими шакллантирилди. Шу маънода «Адолат» социал-демократик партияси ҳам

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдори сифатида фундаментал илм-фанни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва таълимга инвестицияларни, шунингдек, янги технологияларни жалб қилишга энг муҳим дастурий вазифаларидан бири сифатида қараб келмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси П.Пармонова шаҳарда таълим тизими таҳрибаси, мактабга таълим муассасалари, мактаблар ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот бериб ўтдилар. Таълим соҳаси вакиллари, фахрий педагоглар эса таълим сифатини ошириш борасида ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, амалий тақлиф ва тавсияларни бериб ўтдилар.

Жонли мулоқот ва баҳамунозараларга бой бўлган давра суҳбати сўнггида қўрилган мавзу юзасидан тегишли тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бобур ОТАМУРДОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

Мен тадбиркорлик асосида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман. Ушбу маҳсулотларни сертификатлаштириш мажбурийми?

А.Камолов, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонунда қуйидаги тушунчалар берилган:

"Маҳсулотларни сертификатлаштириш" — маҳсулотларнинг қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдори сифатида фундаментал илм-фанни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва таълимга инвестицияларни, шунингдек, янги технологияларни жалб қилишга энг муҳим дастурий вазифаларидан бири сифатида қараб келмоқда.

Сертификатлаштириш: одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атраф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш; маҳсулотларнинг ҳақон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш; мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар ҳалқаро мивқсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш; истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш; маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади. Сертификатлаштириш ижтимоий ва мажбурий тусда бўлади. Маж-

Сертификатлаштириш мажбурий, лекин...

бурий сертификатлаштириладиган маҳсулот турлари рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг "Сертификатлаштириш тартиб-тартибини ва сифат меъёри тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 1-илова-сида батафсил келтирилган. Ушбу рўйхатга тушмаган маҳсулот турлари ихтиёрий равишда сертификатлаштирилиши мумкин. Эки бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчи хоҳласа қурилиш маҳсулотини сертификатлаштириши мумкин, лекин сертификатлаштир-маса, унга нисбатан ҳеч қандай санкциялар қўлланилмайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотта мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органи ариза билан мурожаат қилади ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси;
 - маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
 - гигиеник сертификат нусхаси.
- Четдан олиб келинаётган маҳсулотни сертификатлаштириш учун қуйидагилар тақдим этилади: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда); гигиена сертификатининг нусхаси;
 - маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
 - божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисида белги қўйилган товарнинг илова ҳужжати (товар-транспорти юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхаси.

Сертификатлаштириш органи ариза берилган кундан бошлаб икки кун муддатда, жейига бориб сертификация синовларини ўтказиш учун маҳсулот намуналарини танлаб олади ва идентификация қилади. Намуналар сони, танлаб олиш тартиби, идентификация қилиш ва сақлаш қоидалари маҳсулотга норматив ҳужжатларда белгиланади. Ариза берувчи ўз маҳсулотининг танлаб олинишида ва синовларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бунда лабораторияда махфийликни таъминлаш чора-тадбирлари қўрилиши керак.

Текширишни ўтказиш муддати, ишлаб чиқаришнинг шакли ва тоифаларига кўра, синовлар учун намуналар танлаб олинган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан ошмаслиги керак. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати сертификатлаштириш органи томонидан синовлар натижалари олинган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

Лаборатория синовлари ва қўллаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш шароитлари текширувлари салбий натижалари, шунингдек, ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган комплектини тақдим этиш мувофиқлик сертификати беришни рад этиш учун асос ҳисобланади, бу тўғрида сертификатлаштириш органи ариза берувчига аниқ қонунчилик нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади.

Нарвўзбек ЮЛЧИБОВЕВ, Андижон вилояти ДАҚН инспекцияси қурилиш маҳсулотлари ва конструкцияларини сертификатлаштириш идораси раҳбари

Пойтахтга Mercedes-Benz автобуслари келтирилди

Тошкентга Mercedes-Benz Conecto Low Floor автобусларининг 2013 йил ҳисобидан учинчи туркуми етказиб берилди. «Тошшаҳартрансхизмат» хабарига кўра, 15 сентябрь куни пойтахтга 18 та янги автобус етиб келган.



Шартномага кўра, 2013 йилда ушбу русумдаги 100 та автобус етказиб берилиши керак бўлган, улардан дастлабки 30 таси август ойида етиб келган эди. Уюшма хабарига кўра, октябрь ойи охиригача шу русумдаги яна 39 та автобус Тошкентга етиб келади.

Автобусларни етказиб бериш бўйича шартнома «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва Германиянинг EvoBus GmbH компанияси томонидан имзоланган бўлиб, 14 миллион евролик лойиҳа Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари эвазига молиялаштирилмоқда.

Партия ҳаёти

Ижтимоий фаолликдан сиёсий етуқлик сари

Сиёсий ўқиш

Ҳар қандай партиянинг нуфузи, жамиятдаги обрў-этибори унинг амалий ишлари, салоҳиятли кадрлари билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам сиёсий жиҳатдан етуқ, ташаббускор кадрлар захирасини яратиш мақсадида жойларда мунтазам равишда сиёсий ўқувлар ташкил этмоқда.

Шундай ўқувлардан бири Ўзбекистон «Адолат» СДП Ховос туман кенгаши томонидан ташкил этилди. «Социал-демократик гоялар тарғиботи ҳамда партия ўқувларини ташкил этиш бора-сидаги долзарб вазифалар» мавзусида ўтказилган мазкур сиёсий ўқувда партиянинг туман кенгаши фаоллари, «Аёллар», «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари ва фаоллари иштирок этишди.

— Мамлакатимиз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидан дадил бормоқда, — деди Ховос туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Ф.Райимназаров. — Дунё аҳли бугунги кунда Ўзбекистонни катта қизиқиш ва ҳавас билан кузатмоқда. Зеро, ўтган 22 йил мобайнида мамлакатимиз ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Буни барча соҳа ва тизимларда эришилган беқиёс натижаларда ҳам кўриш мумкин. Аммо амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган натижалар олдимизда турган вазифаларнинг ибтидосидир. Шундай экан, эришилган ютуқлар билан кифояланмасдан, ҳозирги глобаллашув жараёнида ўз фаолиятимизга танқидий нуқтаи назардан ҳолисона баҳо бериш, ислохотларни жадаллаштириш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш лозим, албатта.

Сиёсий ўқувда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, «Ўзбек модели» асосида изчил ва босқичма-босқич давом эттирилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар замирида инсон, унинг ҳаётини манфаатлари ётгани, ана шундай бир пайтда сиёсий партиялардан жуда катта масъулият талаб этилаётгани бош мавзу сифатида танлаб олинганни алоҳида таъкидлаш лозим. Тадбирда партиянинг фаолиятини янада кучайтириш, депутатлар корпусида ташаббускорликни кучайтиришга доир турли мулоҳаза ва таклифлар афрофила муҳокама қилинди.

Ховос темир йўл шифохонаси қошидаги БПТ раиси К.Ҳамроқулова таъкидлаганидек, истиқлолнинг дастлабки кунлариданқўз ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб

белгиланган эди. Бу борада Юр-тбшмиз томонидан илгари сурилган машҳур беш тамойилга қатъий амал қилинган, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» гояси ҳаётга изчил таъбиқ этилаётгани аниқ ис-соллар билан очиб берилди. Ана шу даврда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси яратилиб, кўппартиявийлик тизими шакллантирилди. Нодавлат нотижорат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тобора такомиллаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий имкониятлари кенгайтирилмоқда. Бу эса кўзланган мақсад йўлида дадил ва ишончли қадамлар ташланаётганидан далолат беради, албатта.

Сиёсий ўқувда «Инсон манфаатлари — энг олий қадрият» тамойили «Адолат» СДП фаолиятининг устувор йўналиши эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шундан келиб чиқиб, жойларда кадрлар захирасини иқтидорли, ташаббускор ёшлар билан бойитиш, партиянинг барча даражадаги тузилмалари, жумладан, аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш, мафкура бўлимлари ишини янада кучайтириш, бу муҳим жараёнга электорат вакиллари кенг жалб этиш юзасидан афрофила сўз юритилиб, муҳим мулоҳазалар ўртага ташланди. Зеро, айрим ҳудудларда ана шу муҳим масалага етарлича эътибор қаратилмай, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмапти. Бундан, энг аввало, кенгаш раислари, мафкура соҳасида қабул қилинаётган маҳаллий мутахассислар тегишли хулосалар чиқаришлари лозим.

Тадбирда, шунингдек, партиянинг парламентдаги фракцияси орқали электорат манфаатини муҳофаза қилишга қаратилган қонуний янада такомиллаштириш, депутатлик гуруҳлари саъй-ҳаракати билан жойларда қабул қилинаётган маҳаллий қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга оид таклиф ва тавсиялар ҳам муҳокама этилди.

Шухратжон ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ваколат ва бурч ҳис қилинса...

Депутатлик гуруҳларида

Бугунги демократик янгиланишлар жараёнида партия мақсад ва гояларини тарғиб этишда, жойлардаги мавжуд муаммоларга ечим топишда, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий фаоллигини оширишда, жамоат назорати орқали одамлар ишончини оқлашда депутатлик гуруҳлари фаолиятининг самарадорлиги муҳим ўрин тутди. Зеро, электоратни ўйлантираётган масалаларни маҳаллий кенгашлар ва доимий комиссиялар сессияларига олиб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид таклифлар бериш партия обрўини юксалтиришга хизмат қилади.



Яқинда Жондор туман ҳокимлигида бўлиб ўтган халқ депутатлари туман кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида ушбу жиҳатлар муҳокама марказида бўлди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Д.Ҳамдамова партиядан сайланган маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросида фаоллик кўрсатишлари, партия нуқтаи назарини изчил ва қатъий равишда ҳимоя қилишлари, ўз сайловчиларининг фикр ва мулоҳазаларини, муаммо-ю қизиқишларини доимий комиссиялар ва сессия-

лар муҳокамасига киритишлари, давлат бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишлари долзарб масалалардан бўлиб қолаётганлигини таъкидлади. Унинг фикрича, депутатлик гуруҳлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида ҳам амалий ишларни кучайтириш зарур. Зеро, партия сайловолди платформасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш, амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиш усту-

вор вазифа сифатида белгиланган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жондор туман кенгаши раиси Акбар Солиев туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги ҳусусида сўз юритди. Айниқса, депутатларнинг мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборишда, доимий комиссия ва сессиялар кун тартибига масалалар киритиш ва ўз фаолияти юзасидан матбуот ва ОАВда чиқишда фаолроқ иштирок этиши лозимлиги таъкидланди.

Депутатлик гуруҳи аъзолари Феруза Ёғдиева ва Ўқтам Эргашев ўз округларидаги сайловчилардан тушган аризалар юзасидан тегишли ташкилотларга юборилган сўровлари натижалари тўғрисида ҳисобот бердилар. Таъкидланганидек, депутатлик гуруҳи аъзолари фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида тегишли ташкилот ва идораларга етти марта депутатлик сўрови билан чиқишган. Барча депутатлик сўровлари ижобий ҳал қилинган.

— Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни ўз вақтида қуриб фойдаланишга топширишда «Адолат» партияси депутатларининг амалий кўмаги катта бўлмоқда, — деди Жондор туман ҳокими ўринбосари Иштиёр Эргашев. — Айниқса, гуруҳ раҳбари Зафар Жумаев қурилишни орқага тортаётган бир қанча муаммоларни аниқлаш ва уни ечишда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бошқа масалаларда ҳам партия депутатлик гуруҳи аъзолари фаол. Қисқа айтганда, фидойи ва жонқуяр аъзолари туфайли партия депутатлик гуруҳининг туманимизда фаоллиги дарҳол кўзга ташланади.

Йиғилиш сўнггида депутатлик гуруҳи олдида турган галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Бухоро вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Маҳаллий кенгашларда

Сиёсий партиялар учун кенг имконият ва ваколатлар тизimini яратиш берган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» айна пайтда сиёсий кучлардан қабул қилинаётган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, давлат ҳамда маҳаллий дастурлар ижросини изчил назорат қилишни талаб этмоқда.

Берилган ваъдалар бажарилиши шарт

Чунки бу талабларни бажаролмаган сиёсий куч навбатдаги сайловларда халқ назаридан тушиб қолиши турган гап. Шу боис сиёсий партиялар фаолиятини янада кучайтириш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда уларнинг иштирокини таъминлаш кейинги йилларда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Мавжуд сиёсий партияларнинг бу борада ўзаро рақобатлашиб, олдинги сафга интилаётгани ҳам сир эмас.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши айна шу масалаларга бағишлангани ҳам беҳиз эмас.

Йиғилишда таъкидланганидек, партиядан сайланган 53 нафар маҳаллий кенгаш депутатлари жойларда амалий ишлар билан сайловчи ишончини қозонишга интилаётганлари диққатга сазовор, албатта. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан изчил назорат ўрнатилаётгани ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Айниқса, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги 8 нафар партияимиз депутатларининг сессияларга долзарб масалаларни кўтариб чиқаётгани, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш каби долзарб масалаларда фаоллик кўрсатаётгани эъти-

борлидир. Асака ва Олтинқўл туманларидаги партияимиздан сайланган депутатлар аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида сезиларли ишларни олиб бормоқда.

— Депутатларимиз фаолиятининг ошиб бораётгани ўзидан партияимиз мавқеининг ҳам ошишига олиб келмоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Муҳиддин Мирзаев.

Йиғилишда шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатларининг БПТ билан алоқасини кенгайтириш, депутатлар билан аҳоли ўртасида мулоқотлар ташкил этиш ҳақида сўз борди. 2013 йилда депутатлик гуруҳлари томонидан туман кенгаши сессиясига олиб килинган масалалар юзасидан баъзи ҳолларда кўнгилдагидек иш олиб борилмагани айтилди. Шунингдек, партия билан алоқани узиб, зиммасидаги масъулиятни унутиб қўйган айрим депутатлар фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда депутат доимо халқни ўйлантираётган муаммоларни бир-галликда ҳал этиши, сайловчиларнинг ишончини қозониш учун тинимсиз меҳнат қилиши кераклиги яна бир қарра таъкидланди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти Кенгаши
матбуот котиби

“Адолат”чилар ибрати

БПТ — фаол куч

Наманган вилоятидаги “Чортоқ” сихатгоҳининг шўхрати мамлакатимиздан ташқарида ҳам яхши маълум. Фаолият кўрсата бошлагандан бери ўтган салкам олти йил мобайнида бу ерда минглаб инсонлар дордларига даво топишди, мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Сўлим табиат, қишин-ёзин мўтадил ҳаво, шифобахш маъданли сув, қолаверса, тажрибали тиббиёт ходимларининг малакали хизмати дам олувчиларнинг эътиборини қозонган. Шу туфайли санаторийдан ҳеч қачон меҳмон аримайди.

Яқинда сихатгоҳ ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Бу ерда бутунлай янгиланган даволаш биноси ишга туширилди. Узоқ йиллар фойдаланилмай ётгани учун ташландиқ ҳолатга келиб қолган иморатлар кўркам ва ҳашаматли тус олди. Чиройли ва шинам хоналар, янги, қулай жиҳозлар, замонавий мебель, рангли телевизорлар ҳамнинг баҳри дилини очди. Муҳими, “Чортоқ”даги ўринлар сони яна 260 тага кўпайди. Бунинг учун эса уч миллиард сўмликдан зиёд капитал маблағни ўзлаштиришга тўри келди.

Мазкур объектдаги қайта таъмирлаш ишларининг асосий

қисмини “Чортоқархитектурлиш” МЧЖ бунёдкорлари бажардилар. Бу жамоага эса у ташкил топгандан бери Абдукарим Дўстбоев бошчилик қилади. Жамият раҳбари қарийб ўн йилдан бери Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг депутати. Дарвоқе, МЧЖда бошланғич партия ташкилоти тузилган. Йигирма беш нафар аъзоси бор. Депутат мазкур БПТга ҳам зардан қочирмаймиз.

Бунга жавобан партия аъзолари ўзларини фақат яхши то-



мондан кўрсатишга интиладилар. Сихатгоҳда ҳам шундай бўлди. Бугун жамоа бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилди. Кундалик топириқлар бажарилмай қолиб кетган бирон кун бўлмади. Бунда уста қурувчилардан Шокиржон Ҳамидов,

Одилжон Назиров, Валижон Ражаббоев кабилар айниқса, жонбозлик кўрсатдилар. Пайвандчи Алижон Исоқов, пардозловчилар Бахтиёр Сайдуллаев ва Улмас Йўлдошев ҳам тезкор ва сифатли иш бажариб, объектни фойдаланишга топшириш мuddатларини қисқартиришга катта улуш қўшдилар.



Сихатгоҳда бўлганимизда, бош шифокор Шамсиддин Абдуназаров билан учрашишга тўри келди. У депутат бошлиқ қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди. Уларнинг кўпчилиги “Адолат” СДП аъзо-

лари эканлигидан хабардорлигини айтди. Уч ой илгари сихатгоҳнинг ўзида ҳам “Адолат” партиясининг бошланғич ташкилоти тузилганлигини ҳам маълум қилди. Ҳозирча унинг аъзолари ўн уч кишидан иборатлиги, сафлар яна ўсиши мумкинлигини билдирди. Чунки сихатгоҳ жамоаси беш юз киши афрофида, улар орасида “Адолат” СДП хайрихоҳлари кўпчилигини ташкил этади.

Дарвоқе, яна бир гапни айтмасак, Абдукарим Дўстбоев раҳбарлигидаги МЧЖ фаолияти ҳақидаги ҳикоямиз тўлиқ

бўлмайди. “Адолат”чи бунёдкорлар ҳозир Чортоқ туман молия бўлимининг биносини мукамал таъмирлашдан чиқармоқдалар. Депутатнинг айтишича, унинг таклифи билан бу ерда қўёш батареяларини ўрнатиш режалаштирилган. Мана бунини муқобил энергия манбаларининг ҳақиқий ва амалий тарғиботи деса бўлади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ижроси таъминланмоқда

Қарор ва ижро

Амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқда деҳқоннинг ерга ва ўзи яратган маҳсулотга эгалик ҳиссини оширишга қаратилган мулквий муносабатлар ҳамда мукамал ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Айни пайтда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини доимий равишда такомиллаштириб боришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Фермерларнинг ўзини-ўзи бошқариши жараёнларини кучайтириш ва шу асосда қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини сифат жиҳатдан янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони республикамизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Фармон асосида фермер ҳўжалиklarининг ташаббуси маъқулланиб, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда вилоят ва туман фермерлари кенгашлари ташкил этилди. Фермер ҳўжалиklarининг қонуний манфаатларини ифода этиш, улар ҳўқуқларининг кучли ҳимоясини таъминлаш ҳамда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш кенгашларнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Шу билан бирга кенгашлар энг аввало фермер ҳўжалиklarини ташкил этиш ва қайта ташкил этишда, уларга ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ажратиб беришда ошкоралик, очиқлик ва қонунийлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга оширишлари керак.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 369-сонли қарори билан фермерлар кенгашларининг раислари ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси таркибига киритилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, комиссия таркибидagi кенгаш раиси маҳаллий ҳокимлик ёки давлат органининг ходимига айланиб қолмаслиги, ақсинча, фермернинг манфаатларини ифода этувчи, унинг ҳўқуқини ҳимоя қилувчи вакил бўлиб хизмат қилиши керак.

Шунингдек, фермер ҳўжалиklarни томонидан тайёрлов

Келиб тушган ариза, шикоят ва мурожаатлар ҳамда бошқарманинг иш режасига асосан ўтказилган ўрганишлар натижасида фермер ҳўжалиklarни манфаатини кўзлаб тегишли идора раҳбарлари номига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 41 та тақдимнома киритилди. Келгусида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида 46 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилди.



ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан контрактация шартномалари ҳамда моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан шартномалар тузиш туман фермерлари кенгашининг фермер ҳўжалиklarни шартномавий-ҳўқуқий муносабатлари бўйича бош мутахассиси иштирокида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан шартномавий-ҳўқуқий муносабатлар ижросини таъминлаш ва фермер ҳўжалиklarига ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, келиб тушган ариза, шикоят ва мурожаатлар ҳамда бошқарманинг иш режасига асосан ўтказилган ўрганишлар натижасида фермер ҳўжалиklarни манфаатини кўзлаб тегишли идора раҳбарлари номига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 41 та тақ-

димнома киритилди. Келгусида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида 46 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилди.

Киритилган тақдимнома ижроси натижасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар, шу жумладан, фермер ҳўжалиklarга жами 9 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар тўлаб берилди.

Хусусан, вилоят адлия бошқармаси томонидан 2013 йил ҳосили учун вилоятдаги пилла корхоналари билан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар, шу жумладан, фермер ҳўжалиklar ўртасида пилла хомашёси етказиб бериш бўйича тузилган контрактация шартномаларга асосан бўнак (аванс) маблағларини белгиланган муддатда тўлаб берилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича тузилган шартномаларга асосан бўнак (аванс) тўловларини тўлаб бе-

риш тўғрисида пилла корхоналари раҳбарлари номига тақдимномалар киритилди.

Натижада қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар, шу жумладан, фермер ҳўжалиklarга жами 5 миллиард 958 миллион сўмлик маблағлар тўлаб берилди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят миқёсида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, шу жумладан, фермер ҳўжалиklar билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналари ўртасида 54 мингдан ортиқ 22 турдаги шартномалар тузилишида амалий ва ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилган.

Шероф АЗИЗОВ, Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Шартномавий-ҳўқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи

Матбуот анжумани

Кўппартиявийлик тизими ва фуқаролик жамияти институтларининг изчил ривожланиши шароитида давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритувчи, ўзига хос тажриба ва ҳурмат-эътиборга эга, етук, замон билан ҳамнафас, ватанпарвар ходимларни раҳбар кадр сифатида камол топтириш, малакасини ошириш сингари вазифаларни зиммасига олган муассасалардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳисобланади.

Замонавий раҳбар

сиёсий ҳушёр, маънавий етук бўлмоғи зарур

Асосий мақсади — давлат ҳокимияти ва бошқарувининг республика ҳамда маҳаллий органлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини

ташкил қилиш, шунингдек, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар юритиш ҳисобланган академияда жорий этилган таълим тизимига кўра, бошқарув кадрлари икки йиллик таълим дастури асосида ўқитилиб, Давлат бошқаруви ва Жамият бошқаруви мутахассисликлари бўйича магистрлик даражаси берилади. Шунингдек, "Бошқарув кадрларини тайёрлаш" факультети ҳам фаолият юритаётган бўлиб, ушбу факультетнинг 4 ойлик ўқув курслари тингловчиларга иқтисодий-дегидро таълим ва илмий-тадқиқот ташкилоти, мамлакатнинг молия, банк, солиқ, инвестиция ва сугурта фаолияти бўйича етакчи олийгоҳга айланган.

Тадбирда таъкидланишича, Банк-молия академиясининг бош вазифаси — замонавий бошқарув, молия ва солиқ, банк иши ва инвестиция соҳалари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган,

мактаби, Сингапур Давлат хизмати коллежи, Озарбайжон Давлат бошқаруви академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

Матбуот анжуманида Солиқ академияси ва Банк-молия академияси ректорлари — Эркин Гадов ва Адхам Бекмуродовлар ҳам иштирок этишди ва маъруза қилишди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришган, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур биладиган, банк-молия соҳасидаги бошқарув принципларини яхши тушуниб етадиган кадрларга эҳтиёж сезилди, — дейди Банк-молия академияси ректори Адхам Бекмуродов. — Банк-молия академияси ташкил этилди. Бугун академия Марказий Осиёда замонавий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилоти, мамлакатнинг молия, банк, солиқ, инвестиция ва сугурта фаолияти бўйича етакчи олийгоҳга айланган.

Тадбирда таъкидланишича, Банк-молия академиясининг бош вазифаси — замонавий бошқарув, молия ва солиқ, банк иши ва инвестиция соҳалари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган,



марказида Давлат бошқаруви академияси, Солиқ академияси ва Банк-молия академияси томонидан ташкил этилган "Сиёсий ҳушёр, маънавий етук ва ватанпарварлик ғоялари билан шаклланган раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар: муаммо, ечим ва янги тажрибалар" мавзусидаги матбуот анжуманида қайд этилди.

— Йилдан-йилга республиканинг турли соҳа вакиллари орасида академияда таҳсил олишга қизиқиш билдираётганлар сони ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдуҷаббор Абдуваҳитов. — Хусусан, ўтган 2012-2013 ўқув йилида 1026 нафар талабгорлар ҳужжат топширган бўлса, 2013-2014 ўқув йилида ушбу кўрсаткич 1108 нафарни ташкил қилди. Мухими, имтиҳонларни муваффақиятли топширган таҳсил олувчиларнинг аксарияти инглиз тилини мукамал ўзлаштирган. Қолаверса, академия қатор хорижий ўқув муассасалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган бўлиб, 2012-2013 йилларда Давлат бошқаруви академияси ва Франция миллий маъмурий

таҳлилий ва ўзига хос фикрлашга эга бўлган, замонавий ахборот технологияларидан бе-малол фойдаланадиган, инглиз тилини ўзининг доимий фаолиятида қўллай оладиган мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади. Ўқув муассасасида 50 дан ортиқ ўқитувчилар фаолият юритар экан, уларнинг 10 нафари фан доктори ва профессор, 25 нафари фан номзода ва доцентлардир. Уларнинг аксарияти сўнгги йилларда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Бельгия ва Жанубий Корея сингари мамлакатлардаги етакчи университетларнинг илмий ва академик унвонларига сазовордир.

Шунингдек, маърузачилар бугунги раҳбар авваломбор, биллимли мутахассис бўлишидан ташқари юксак иродоли, матонатли, харизматик хусусиятга эга ва эътиборли, ноталиқ санъатини мукамал эгаллаган бўлиши мақсадга мувофиқлигини қайд этишди.

Матбуот анжумани якунида тадбир ташкилотчилари оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

Чарос Тўраева

Норма ижодкорлиги

такомиллашмоқда

Адлия минбари

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳўқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳўқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.

Мана шу ўринда, юртимизда олиб борилган суд-ҳўқуқ ислохотлари даврида "Норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири 2012 йил 24 декабрда қабул қилиниши норма ижодкорлиги соҳасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши, норма ижодкорлиги соҳасида мавжуд тушунмовчиликларни бартараф этиб, ҳўқуқ нормаларини амалда тўғри татбиқ этиш учун замин яратиб берди десак, му-болага бўлмайди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг эски таҳрирдаги қонундан фарқли томонларни қўйидагиларда кўришимиз мумкин: **Биринчидан**, қонуннинг 5-моддасида норматив-ҳўқуқий ҳужжатларнинг турлари келтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишлари ҳам норматив-ҳўқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар, қарорлар ва фармойишлар тарзида норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Шунингдек,

Президент мамлакатда ислохотларни изчиллик билан олиб боришда ҳамда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида тезкор хусусиятли фармойиш шаклидаги норматив-ҳўқуқий ҳужжат қабул қилиши мумкин.

Иккинчидан, қонуннинг 30-моддасида норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган қонун эътиборан қўлга кириши белгиланган. Янги таҳрирдаги қонунда мазкур норманинг қилиниши норматив-ҳўқуқий ҳужжатларнинг қўлга кириши билан боғлиқ ноаниқликка барҳам берилади.

Учинчидан, қонуннинг 20-моддасида халқаро тажрибани ўрганиш тўғрисида янги норма киритилди. Халқаро ҳўқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мута-

хассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлаштириш бошқа воситалари маълумотларини умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш норма ижодкорлигини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши мўқарар.

Тўртинчидан, қонуннинг 42-моддасида, норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарориди адлия органларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, назорат ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига, қонунийликка қатъий риоя этилиши устидан белгиланган тартибда самарали назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Юқоридagi мавжуд норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига, қонунийликка риоя этилишининг мониторинги ҳамда назоратини амалга ошириши қонуннинг 42-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди ҳамда Ўзбекистон Республика-

си адлия вазири ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот бериши вазифаси юклатилди.

Бешинчидан, қонуннинг 22-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳўқуқий экспертизаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Адлия органлари норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳўқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳўқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз халқаратлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қонунлар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан ҳам таҳлилининг амалга оширилиши янги таҳрирдаги қонунда аниқ белгилаб берилди.

Олтинчидан, вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳўқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳўқуқий ворисликни белгиловчи янги норма киритилди. Ушбу масалага оид ҳўқуқий ворислик фуқаролик ҳўқуқий муносабатлар доирасида ифода этилган. Ху-

сусан, вазирлик, давлат қўмиталари ёки идоралар мақоми-нинг ўзгартирилиши улар томонидан илгари қабул қилинган норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.

Меъёрий ҳужжатларни қабул қилган орган тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳужжатлари ўз қучини йўқотган деб ҳисобланиши, уларнинг тарқатилиши, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳақидаги масалалар унинг ҳўқуқий вориси ёки юқори турувчи органга ўтиши қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Тақдирлаш лозимки, ўтган 2012 йил давомида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 40 та қарор лойиҳалари ҳўқуқий экспертизадан ўтказилиб, 28 таси норматив хусусиятга эга деб топилди, розилик имзолари берилган бўлса, 2013 йилнинг 7 ойи давомида 50 та қарор лойиҳалари ҳўқуқий экспертизадан ўтказилиб, шундан 35 тасига розилик имзолари берилган.


Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги "Норматив-ҳўқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, мамлакатимизда норма ижодкорлиги фаолиятини янги поғонага кўтаришга, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини тўла намоён этишга хизмат қилмоқда.

ХАҲМЕДОВ, Сирдарё вилоят Адлия бошқармаси ҳўқуқий-экспертиза ва қонун ҳужжатларини туркумлаш шўъбаси катта маслаҳатчиси

Пешқадам партиядошлар

“Адолат” СДП бошланғич ташкилотининг ибратли ишлари хусусида

Давоми. Боши 1-бетда



Илгари тоғ ёнбағридаги юзлаб гектар кимсасиз қароқ ерларни ниҳол уммас саҳрога қиёслашарди. Энди эса таърифи Самарқандда маълум ва машҳур жаннатмонанд боғ, деб билишади. Боғ бўлганда ҳам кучатлари етти иклимдан танлаб келтирилган, меваси сара, серхосилки, кўриб кўзингиз қувнайди. Олти юз гектар майдонда бўйи-баста бирдек яшил қаторлар ҳосил қилган интенсив боғ “Оҳалик олтин боғлари”га қарашли маъмурчилик макони ҳисобланади.

Этиборли жиҳати шундаки, партиядошларимиз меҳнат қилаётган ва ўз ташкилотчилик қобилиятларини намоён этаётган мазкур фермер хўжалиги иш жараёнидаги тажрибасини ўзгалар ҳам ўзлаштириб олишига манфаатдорлик билан қарайди.

— Самарқанднинг узоқ-яқин қишлоқларидан, ҳатто кўшни вилоятлардан ташриф буюрган боғбон, фермерлар бизнинг тажрибамизни ўрганиб, ўз худудларида гектарлаб янги боғ барпо этишмоқда, — дейди лойиҳа ташкилотчиларидан бири — “Мароқанд интенсив гарденс” агрофирмаси раҳбари, “Адолат” СДП аъзоси Дилшод Салимов. — Инновацион технологияларни қишлоқ хўжалигида ва умуман иқтисодиётда изчил жорий этиш орқали юқори самарадорликка эришиш партияимизнинг дастурий мақсадларига тўла мос келишини назарда тутиб, боғдорчиликдаги янги усул афзалликларини ҳамма жойда кенг тарғиб этаёلمиз. Зарур маслаҳат ва тавсиялар бераёلمиз.

Дарвоқе, суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, “Оҳалик олтин боғлари” фермер хўжалиги доирасида бошланган ташаббус бугун Самарқанд ва кўшни вилоятларни қамраб ол-

ган 3 минг гектарлик интенсив боғ яратилиб, 8 та йирик боғдорчилик фермер хўжаликларини бирлаштирган “Мароқанд интенсив гарденс” агрофирмасининг ташкил этилишига асос бўлди. Агрофирма таркибидаги фермерлар ўзларига яратилган моддий-техник шароитлардан, хусусан, боғларни томчилатиб суғориш, даракларга кимёвий ишлов бериш ва ҳосилни йиғиштириб олишда кичик механизмлардан фойдаланиб маҳсулот таннарини арзонлаштиришга, бозор рақобатининг устунликларини амалда намоён этишга муваффақ бўлмоқдалар.

Этибор беринг: биргина “Оҳалик олтин боғлари” фермер хўжалигида 600 гектар майдонда атиги 30 киши меҳнат қилади. Эндигина шох ёзиб улгурган даракларнинг гектаридан ҳозиргача 20 тоннадан ҳосил териб олинмоқда. Меванинг бири қисми агро-

фирма таркибидаги қайта ишлаш корхонасига, бир қисми бозорга ва қишда сотиш учун махсус совутичли омборхоналарга жўнатишмоқда. Бу ерда ҳамма ишлар ҳисоб-китоб ва режа асосида юритилади. Ижро назорати қатъий амал қилади. Ташаббускорлик ҳар доим қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади. Шу боис жамоа ўртасида ишнинг пировард натижасидан манфаатдорлик яққол кўзга ташланмоқда.

— Меҳнати ташкил этилишига аниқ шундай ёндашув янги ташаббусларнинг пайдо бўлишига имкон яратмоқда, — дейди “Оҳалик олтин боғлари” фермер хўжалиги раиси, партиядошимиз Санъат Сангинов. — Биз изланувчан, ташаббускор ёшларимизни ягона маслакка бирлаштириш учун хўжалик ҳамда бошланғич партиядошликнинг ҳам туганган БПТ аъзолари ўзларининг фойдали таклифлари би-

лан ижтимоий-иқтисодий ва-зифаларни амалга ошириши-мизга яқиндан қўмақлашмоқ-далар.

Дарвоқе, раҳбарнинг эъти-рофи бежиз эмас. Ўн беш на-фар партиядошлари ўзи жа-моа аъзоларининг тенг ярми-ни ташкил этган бошланғич ташкилот қисқа вақтда кўп-гина амалий ишларга қодир эканлигини исботлади. Авва-ло, интенсив технология са-марадорлигини таъминлаш мақсадида Польша, Греция ва Украинадан салкам 200 гектар майдонда экиб маҳаллий ша-роитга мослаштириш учун ис-тиқболли навлар келтирилди. 48 гектарда янги шафтолизор барпо этилди. “Вилоятнинг Жомбой ва Самарқанд туман-ларида қурилган, ҳар бирининг сизими 5 минг тонналик мах-сус совутичли омборхоналар ҳам бозорларни йил давоми-да арзон мева билан таъмин-лашга хизмат қилмоқда. Бош-

ланғич партиядошларнинг аъзолари — боғдорчилик бригадирлари Рустам Суёнов, Икром Кўзиёв, механизаторлар — Зокир Аҳроров, Олим Нурмухаммедов, боғбон Миршод Миркамоллов бошқарув билан ҳамкорликда ана шундай фойдали ташаббусларни амалга оширганликларидан фخرланишади. Шугина эмас, меҳнатга ҳақ тўлашда ижтимоий адолат меъёрларига амал қилиниши, ходимларнинг моддий шароитларини яхшилаш, даволаниш ва дам олишларини ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, жамоада соғлом муҳитни таъминлашда “Адолат”чилар доимо сергак, ҳозиржавоб.

Шу боис “Оҳалик олтин боғлари”да ҳар ким ўз ўрнини ва қадрини билиб меҳнат қилади.

Фермер хўжалиги ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириб бошқарув идоралари, банк, молия муассасалари билан электрон ахборот алмашиш усулидан фойдаланаятгани, коллежлар билан самарали ҳамкорлик юритаётгани, ёш мутахассисларнинг “Ташаббус” кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этишаётгани ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқ. Бу эса аввало, жамоанинг ўзагини ташкил этган бошланғич партиядошларнинг олиб бораётган сиёсий-маънавий ишларнинг маҳсули. “Оҳалик олтин боғлари”да ёшларни бунёдкорликка, зукколикка, баркамолликка, Ватан тақдири учун масъулиятли бўлишга ундовчи сиёсий куч борки, юрт ободлиги ва фаровонлиги йўлидаги эзгу мақсад, шижоатлар ҳар доим ўз рағбатини топиб, қўллаб-қувватланаверади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,

“Адолат” муҳбири

Суратларда: “Оҳалик олтин боғлари”даги ташаббускор ёшлар фаолиятидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари цементнинг юқори мустаҳкамликка эга, тез қотадиган ва кислотогоҳа чидамли турини ишлаб чиқишди.

Кислотага чидамли цемент




Интеллектуал мулк агентлигининг маълум қилишича, ушбу цемент қурилиш конструкциялари ва махсус иншоотларни коррозиядан ишончли ҳимоя қилади. Унинг қўлланилиши қурилиш ва футерлаш ишлари қийматини арзонлаштиради, биноларнинг мустаҳкамлик муддатини узайтиради.

Цементнинг янги туридан кимё, нефть-техника, газни қайта ишлаш, тоғ-металлургия ва целлюлоза-қоғоз саноатида фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчилар семинари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Тошкентдаги Гёте институти 20 сентябрь куни мактабларнинг немис тили ўқитувчилари учун семинар ташкил қилмоқда.



Гёте институти матбуот хизматининг хабарига кўра, семинарда ўқитувчилар бошланғич синфларда немис тилини ўқитишнинг янги услублари, ушбу йўналишдаги долзарб тамойиллар, турли ўқув-методик материаллар, шунингдек, биринчи синф ўқувчиларига мўлжалланган «Deutsch mit Spa?» дарслиги билан танишди.

Хоразмлик фаол аёллар

Давоми. Боши 1-бетда

Айниқса, Юртбошимизнинг деярли барча чиқишларида аёллар мавзусини тилга олаётганлари, аёлларни юксак марраларга давлат этувчи, ҳар биримизда ифтихор туйғулари йиғилган сўзлари аёлларнинг, оналаримиз, опасингилларимиз кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда, айни вақтда улар зиммасига улкан масъулият ҳам юкламоқда. Бинобарин, хотин-қизларимиз мустақил мамлакат раванқига янада салмоқли улуш қўшишлари, жамият янгила-ниш жараёнида янада фаолроқ қатнашишлари лозим.

Ўз сайловолди дастурида хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қили-ниш кучайтиришга доир кенг қўламли ислохотларни изчил

давом эттириш тарафдори эканлигини эълон қилган Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларининг салкам ярмини аёллар ташкил этаётгани ҳам қувонарлидир. Партиямиз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чунки билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида яна бир муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлнинг жамиятдаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали опасингилларимизни тадбиркор-



ликка кенг жалб этиш ҳам устувор вазифалар қаторида белгилаб олинган. Зеро, бу аёлга эҳтиром ва эъзознинг замонавий талқини, қолаверса, инсон, жамият, шахс ва оила ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг табиий равишдаги ўзгаришлари ифодаси ҳамдир.

«Обод турмуш йили»да партиядош «Аёллар қаноти» томонидан илгари сурилаётган ижтимоий лойиҳалар ҳам хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини бойитишга, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, йирик давлат дастурларининг бевосита иштирокчиларига айланишларига хизмат қилаёпти. Хусусан, аёлларнинг репродуктив саломатлигини асраш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, хотин-қизларни «оммавий маданият»

таъсиридан ҳимоялаш каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар аёлларда “Адолат” ғояларига бўлган қизиқишни орттирди. Жорий йилда социал-демократик ғояларни қўллаб-қувватлаётган опасингилларимиз сони вилоятимизда 4500 нафардан ошиб кетди. Бу партиядошларнинг 45 фоизи демакдир.

Бугун вилоятимиздаги 10 та туман ва битта шаҳар кенгашида «Аёллар қаноти» фаолият олиб бормоқда. Аксарият бошланғич ташкилотларга ҳам аёллар етакчилик қилаётгани улар зиммасига жуда катта масъулият юклатилганидан далолат беради, албатта. Бугунги кунда давлат органлари, таълим, тиббиёт тизимида, савдо, саноат ва қурилиш соҳасида аёллар меҳнат қилаёт-

гани, раҳбарлик лавозимларида иш олиб бораётгани Ўзбекистонда аёлларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани натижасидир. «Аёллар қаноти» эса ёш қизларимизга ўрнак бўлиши учун машҳур опасингилларимиз, оқила сафдошларимиз иштирокида турли учрашув, давра суҳбатлари ўтказиб, улар тажрибасини оммалашти-раяпти.

Жорий йилнинг олти ойида ҳамкор ташкилотлар билан 100 дан ортқ тадбир ўтказилиб, уларда асосий эътибор «Обод турмуш йили»да электротармоқларни янада шарт-шароит, амалдаги қонунларда белгиланган имтиёزلарни кенг тарғиб этишга қаратилди. Бу тадбирлар ўн минг нафарга яқин хотин-қизларни қамраб

олди. «Аёллар қаноти» гуруҳлари томонидан ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзулардаги тадбирларда хотин-қизларимизнинг сиёсий фаолликларини ошириш, болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш, касаначилик ва оилавий бизнес асосида уларни иш билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратилаётгани уларнинг тадбирлардан қандайдир маънавий озуқани олиб кетишига имкон яратаяпти. Албатта, натижаларни сонлар билан ўлчаш қийин. Аммо тизимли тадбирлардан кейин сафдош опасингилларимиз сони орта-япти.

Айниқса, республика «Аёллар қаноти»нинг лойиҳаси бўлмиш «Партиянинг оқила аёли-2013» танлови ғоялари оқила аёлларни саралаб олиш имконини бераёпти. Қуни-кеча вилоятимизда танловнинг туман босқичи аяқланди. Партиядошнинг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланган «Адолат» СДП дастури ва сайловолди платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила ва ташаббускор хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиядош кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Эътироф этиш кераки, кўриктанловнинг туман босқичлари аяқларига кўра, 11 нафар ана шундай оқила аёллар саралаб олинди. Кўрик-танловнинг оқила иштирокчилари хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, улар

учун яратиб берилаётган шароитлар, амалга оширилаётган ислохотлар ва партиядошларнинг тарғиб этишда аёллар иштироки, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик мустақиллик шарофати эканлигини ўз чиқаришларида намоён этилди.

Энг муҳими, аёл фаол бўлсин. Сиёсий етук аёл жамиятга баркамол фарзандларни тарбиялаб беради. Аёл кишининг бахти ўз қўлида. У ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришиши мумкин. Чунки ҳозир жамиятимизда хотин-қизларга эътибор катта.

Аёлнинг оилада, маҳалла ва жамиятда фаол бўлиши, аввало, унинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятига боғлиқ. Албатта, сиёсий жиҳатдан етук, ижтимоий жараёнларда фаол бўлган хотин-қизларимиз кўпчиликини ташкил этади. Бироқ улар орасида уй-рўзгор юмушлари билангина овора бўлиб қолаётганлари ҳам йўқ эмас. Жойлардаги бошланғич ташкилотлар, маҳаллалардаги маслаҳатчи аёллар, ҳаёт мактабини ўтаган онахонларимиз орқали ана шундай хотин-қизларимизни ҳам ўз сафимизга қўшиш учун фойдаланилаётган имкониятларни ишга солиш учун интилаяпмиз. Бу борада «Маҳалла» хайрия жамоати фонди, Хотин-қизлар кўмибига партиядош кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Эътироф этиш кераки, кўриктанловнинг туман босқичлари аяқларига кўра, 11 нафар ана шундай оқила аёллар саралаб олинди.

Кўрик-танловнинг оқила иштирокчилари хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, улар


Замира АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
«Аёллар қаноти»
кенгаши раиси

«Учинчи сектор»

аҳолининг барча қатламлари манфаатларини акс эттирсин

Назорат-таҳлил

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2013 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари Дастурига мувофиқ Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуналарининг ижросини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар ҳолати Адлия вазирлиги тизимида Наманган, Навоий ва Бухоро вилоятлари адлия бошқармалари фаолияти минтақалар мисолида ўрганиб чиқилди.



Парламент комиссиясининг фаолияти «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очик, ошқора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу жамоат фонди томонидан 2010-2013 йиллар ҳамда 2013 йилнинг биринчи қонун ижросини таъминлашда айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 6567 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Шундан Навоий вилоятида 306 та, Наманган вилоятида 386 та ва Бухоро вилоятида 438 та нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтган. Сўнгги 10 йилда ушбу уч вилоят кесимида ННТ фаолиятининг турлари таҳлил этилганда, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бориши ҳамда янги соҳа ва йўналишларда ННТ ташкил этилаётганлиги кузатишмоқда, хусусан тадбиркорлик ва фермерлик, спорт, экология, маданий-тарихий ва маърифий соҳалардаги ННТлар сони ортиб, фаолияти ривожланиб бормоқда.

ни таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Ўтказилган таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда Бухоро вилоятида 10 га яқин ННТлар ўзларининг Интернет сайтларига эга бўлиб, улар орқали ўз ҳақларида ахборот тарқатади.

Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида ННТларнинг ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, унга кўра ННТ ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Ўтказилган таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда Бухоро вилоятида 10 га яқин ННТлар ўзларининг Интернет сайтларига эга бўлиб, улар орқали ўз ҳақларида ахборот тарқатади.

лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, тадбиркорлик тузилмалари билан ижтимоий ҳамкорлик Меморандумларини тузиш орқали йўлдан кўйилган. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

ярмида ўтказилган танловларда Наманган, Навоий ва Бухоро вилоятларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг ижтимоий аҳамиятга эга 359 та лойиҳаси (ўртача ҳар бир ННТга 1,3 тадан лойиҳа тўри келади) билан иштирок этганлар. Давлат ва жамият ҳаётига доир қонун ва қонун ости ҳужжатларини қабул қилишда, ННТлар давлат органлари билан бирга фикрларини бериб бормоқдалар. Хусусан, Концепцияда назарда тутилган бир неча қонун лойиҳалари муҳокамаларида, жамоатчилик эшитувларида фаол иштирок этиб, ўзларининг таклифлари билан қатнашмоқдалар. Ўрганилган ҳудудлар доирасида амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, ушбу вилоятларда

21 сентябрь — Халқаро Тинчлик куни

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, жамият мунтазам тараққий этиши, аҳоли фаровонлиги юксалиши, инсонларнинг бугун ва эртанги кунга ишончи ортиб боришининг асосий шартларидан бири нима? Албатта, тинчлик ва осойишталик. Зеро, тинчлик барқарор муҳитдагина бунёдкорлик, изланиш-интилиш, бир сўз билан айтганда, ижодкорлик фаолияти, эл-юрт фаровонлиги, ободлиги кучайиб бораверади. Ахир бежиз тўплар гўмбурлаган пайти илҳом парилари саси эшитилмайди, дейишмайди. Халқимизнинг эса бу борада янада сермазмун ҳикмати бор: “Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади”.

Тинчлик учун курашмоқ керак

Эътиборли томони, мана шу оддий ҳақиқат неча асрлардан бери ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмай келмоқда. Яқинда хорижий мутахассислардан бирининг мақоласини ўқиб қолдим. Унда қайд этилишича, ҳар қандай, ҳатто қисқа муддат давом этган уруш ҳам муайян давлатни тараққийдандан камидан йўн-беш йил орқага суриб ташларкан. Ривожланиш суръати юксак бўлган асримизда бундай қоқоқлик, таъбир жоиз бўлса, тараққийёт аравасидан тушиб қолиш қандай янғичи оқибатларга олиб келишини эса тасаввур этиш мушкул эмас.

Ҳа, тинчлик — бебаҳо нўмат. Бу исбот талаб этмайди. Бу ҳақиқат халқаро миқёсда эътироф этилган. Чунинчи, БМТ Бош Ассамблеясининг 2001 йил 7 сентябрдаги резолюциясида 2002 йилдан бошлаб 21 сентябрда Халқаро Тинчлик кунини нишонлаш белгиланди. Тинчлик куни зўравонликка ва ўт очишга қарши бўлган сайёраимиз барча аҳолисини тинчликни тарғиб қилиш, бу йўлда ахборот ва тажриба алмашишга қақи-

ўргатишнинг ёрқин мисолидир. Мен тез-тез ҳаётда кўп тажрибага эга, 8 нафар фарзандни вояга етказиб, таълим-тарбия берган 82 яшар Мақсадоёв бувиҳонимнинг ўғитларини эслаб тураман: — Инсоннинг ер юзидagi бошқа мавжудотлардан фарқли жиҳати — ҳар бир ҳаракат ва сўзини онгли равишда амалга оширишидир. Шунинг учун ҳар бир инсон ҳеч қимсаннинг дилини оғритмасдан, бир-бирига нисбатан меҳ-



Ахир атрофга қаран! Сайёраимизнинг “оловли” нўқталаридан қайси бирида тараққийёт, ривожланиш унсурларини кўра-яписиз? Уларнинг қайси бирида бунёдкорлик ишлари кўзга ташланади? Ҳеч бирида! Наридан, қирғин қуролларнинг янги-янги турлари яратилапти ва улар синиб ҳам кўриляпти.

Халқимизда яна бир доно ўғит бор: “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”. Чиндан ҳам, баъзан жамиятдаги энг катта бойликка лоқайдлик билан қаради, унинг қадрига етмаслик ҳоллари учраб туради. Ўзимиз ҳам юртдошларимиз орасидаги айрим “уним кам, буним кам” дея нолийдиган, моддий қийинчиликларини пеш қиладиганларни учратиб тураемиз-ку. Бундайлар нимагадир уст-бошлари бут,

рибон бўлиши, ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича севиши керак. Биз, катталар ўз вақтида қаҳатчилик, очлик гувоҳи ҳам бўлганмиз. Лекин буларнинг ҳаммасидан ҳам тинчлик-хотиржамлигимизни, эртанги кунга бўлган ишончимизни йўқотишга сабаб бўлган иллат — уруш ҳаммаининг тинка-мадорини қуритган. Шу уруш туйғули қанчадан-қанча ёшлар ёшлик нима эканлигини билмай умр кечирган...

► Сўнгги тўққиз йилдан ортиқ муддат давомида ҳарбий ҳаракатлар оқибатида Ироқда 162 минг нафардан ортиқ тинч аҳоли ҳаётдан бевақт кетди.

► Суриядаги фуқаролар уруши оқибатида 2011 йил апрель ойидан шу пайтга қадар 100 мингдан зиёд аҳоли ҳалок бўлди.

► Сўнгги етти йил оралиғида Афғонистонда 15 минг нафарга яқин бегуноҳ фуқаролар ҳаёт билан видолашди.

қоринлари тўқ, муҳими — тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураётган жамиятда яшаётганликларини унутиб қўймоқдалар. Ваҳоланки, бундай неъматлардан баҳраманд фуқаро наинки тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиши, балки унга эришиш ўз-ўзидан кечмаслигини ён-атрофдагиларга уқдиришга ҳам интилоғи жоиз.

кунни доирасида қатор тегишли вазирлик ва идоралар ташаббуси билан кўплаб давра суҳбатлари, матбуот анжуманлари, спорт мусобақаларини ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси — мамлакатимиз аҳолисини, айниқса ёшларни спорт, маданият, дўстлик ва ўзаро ҳурмат каби воситалар ёрдамида бирлаштириш, тинчликнинг қадрига етишни

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўлга киритилган ютуқларнинг энг каттаси бу — тинчлик, яъни ижтимоий-сиёсий барқарорлик эканлигини бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Хамонки, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида нотинчлик ҳукм сураётган бир пайтда юртимиз аҳолиси тинч-осуда ҳаёт кечирishi, бунёдкорлик йўлида фидокорона меҳнат қилишларининг ўзи катта бахт экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси юртимиздаги тинчликни асраб-авайлашга масъулдир. Ўзини Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблаган ҳар бир инсон бундай хайри ишдан четда турмаслиги керак.

Саодат СОДИҚОВА, “Adolat” муҳбири

Чиқинди ташламанг, жарима тўлайсиз

Рио-де-Жанейро шаҳрида жамоат жойлари ҳамда кўчага чиқинди ташланишига қарши кураш акцияси олиб борилмоқда.

ди. Ташланган тамаки қолдиғи ёки бўш шиша учун 65 АҚШ доллари, каттароқ буюм учун 1200 АҚШ долларигача жарима миқдори белгиланган.

Шаҳар ободлигини сақлаш учун 600 нафар кўнгилли тайёрланган. Ходимлар жамоат тартибини бузганларнинг идентификацион маълумотларини махсус аппаратга киритиб, уларга жарима чекини топширилади. Ўзига хос акция шаҳарликлар ва ҳатто жаримага солинганлар учун манзур эканини таъкидлашмоқда. Чунки бу шаҳарнинг кўркам сақланишига хизмат қилади. Дарвоқе, дастурнинг илк кунидаёқ 120 киши жаримага тортилган.



Борьба с мусором Рио-де-Жанейро, Бразилия

Кислородсиз кутубхона

Британия кутубхонаси кислород таъсири натижасида қоғозлар сифати бузилишига қарши курашиш мақсадида маълумотлар сақланувчи бинода ушбу газ моддасининг катта қисми чиқариб юборилган маълумотлар базаси яратишни режалаштирган. Кўрилоётган чора натижасида хонадан керакли ҳужжатларни олиш ва яна қайта жойига қўйиш учун кутубхоначи ўрнига махсус роботлаштирилган тизим ўрнатилди.

Ахборотлар сақланувчи махсус жойнинг ишга туширилиш муддати 2014 йилга белгиланган. Герметизацияланган архивда махсус рельслар орқали китоб жавонлари бўйлаб учта кран ҳаракатланади. Каталогдан координатлари кўрсатилган бюортмани робот автоматик равишда герметик изоляцияланган блокнинг чиқиш йўлига олиб келади ва ҳаво шлюзидан ўтувчи транспортерга жойлаштиради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги роботлаштирилган тизим 750 минг саҳифа ҳажмдаги газетани архивдан икки кунда олиш имконини беради. Гарчи бу тезлик юқори кўрсаткич бўлмасда, айримлари уч асрга тенг бўлган газеталарни хавфсиз сақлаш ва ишини мураккаблиги шуни тақозо этади. Чунки кислородсиз муҳитда қоғоз анча секин эскиради ва бундан ташқари у ерда ёнган келиб чиқиш хавфи буткул йўқолади.

Инерт газлардан (ушбу ҳолатда улар қаторига азот ҳам киритилган) озик-овқат саноатида маҳсулот яхши сақланиши учун қадоклаш жараёнида фойдаланилади. Металлургия ва металл ишлов беришда эса, кислородсиз газ қоришмалари деталларни оксидланиш ёки эришдан муҳофаза қилишда ишлатилади. Шунингдек, йирик омборхона ва тирик жон кириши ман қилинган баъзи биналарда ёнган ҳодисаси юз бериши эҳтимоли келиб чиқса, инерт газлар уни бартараф этади.



Сўнгги саҳифа

Фаранг технологияси ва Самарқанд нафосати

уйғунлашган корхонада харидор дидига мос маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда

Модернизация

Мана буни чинакам модернизация шарофати деса бўлади. Самарқанддаги "Асл Нафис" чинни буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси Франциянинг дунёга машҳур Сериков компанияси технологиялари билан буткул қайта жиҳозланганди, сифат ва самардорлик борасидаги кўрсаткичлар яққол бозор фойдасига гапирадиган бўлди.



Хозир корхонада ойига 24 хилдаги 600-700 минг дона чинни идишлар тайёрланмоқда. Буюртмалар рўйхати олдидан шакллантириб борилган тўғри тўғри маҳсулот омборда туриб қолмай тўғри харидор қўлига етиб борапти. Турли нуфузли савдо кўргазмаларида иштирок этиш орқали янги-янги фойдали шартномалар имзоланаяпти.

Дарвоқе, тўрт йил муқаддам банкот деб эълон қилинган маъмур корхонани молиявий соғломлаштириш дастури асосида "Алоқабанк"нинг вилоят бошқармаси ўз тасарруфига олган эди. Амалга оширилган оқилона молиявий сиёсат туфайли корхона иш мареми

қайта тиклаб, арзон ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўя олди.

Бугун "Асл Нафис"да 300 киши доимий иш билан банд. Энг моҳир чиннисозлар ойига бир миллион сўмгача маош олишмоқда. Маъмурият жамоа аъзолари учун барча ижтимоий-моддий шароитларни муҳайё этган.

— Модернизациялашдан сўнг технологик жараёнлар учун талаб этиладиган газ ва электр сарфи 5-6 баробар қисқариб, тежамкорлик сари катта имкониятлар очилди, — дейди корхона раҳбари Шаҳобиддин Асрор ўғли. — Хозир ишлаб чиқариш участкаларининг бўшаб қолган қисмида

Хитой мутахассислари билан янги турдаги маҳсулот тайёрлашни мўлжаллашмоқда. Бу галги ҳамкорлик ҳам жамоа учун фойдали бўлишига ишонамиз.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик туфайли самарқандлик чиннисозлар йил охиригача ишлаб чиқаришни салкам икки баробар кўпайтириш ёки ойига бир ярим миллиард сўмлик чинни маҳсулотлар тайёрлашни мўлжаллашмоқда. Шунда "Асл Нафис"нинг Самарқанд нафосати акс этган чинчилари янада кўпроқ харидорларга етиб бориб, рўзгорларга фойда бағишлайди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Adolat" мухбири



Ўртимизга хориждан сифати кафолатланган товар-моддий бойликларни импорт қилиш бўйича аниқ ва самарали тартиблар жорий этилган. Бунда энг аввало, ички ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган. Афсуски, амалдаги тартибларга риоя қилмай ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётган "ишбилармон"лар ҳам йўқ эмас.

Қонунбузарликларга чек қўйилди

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора-лар вакиллари билан ҳамкорликда йирик миқдордаги товар моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйишди.

Тезкор маълумотлар асосида Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган хонадонлардан бири ўрнатилган тартибда ва ҳолилар иштирокида кўздан кечирилганда, фуқаро Н.Шоповаленкога тегишли бўлган хонадон ертўласида хорижда ишлаб чиқарилган 227 хил турдаги, умумий қиймати 20 миллион сўмлик 20 минг донадан ортиқ парфюмерия маҳсулотлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги аниқланди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган хонадонлардан бири ўрнатилган тартибда ва хо-

лилар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадон ертўла омида 900 донадан ортиқ 125 хил турдаги электр жиҳозлари ва анжумлари ноқонуний сақланаётганлиги аниқланди.

Дастлабки суриштирувлар чоғида юк эгаси фуқаро У.Мусаёнов хорижда ишлаб чиқарилган, умумий қиймати 50 миллион сўмлик маҳсулотга божхона расмиёналарини тасдиқловчи билонта ҳам хужжатни тақдим қила олмади.

Хозирда юқоридаги ҳолатлар юзасида божхона текшируви ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати

Хато устига хато оғир жазога олиб келди

Адолат тарозиси

Ўртимизда халқимиз фаровонлигини ошириш, кишиларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида қатор хайли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бироқ мана шундай имкониятларнинг қадрига етиб, фойдали меҳнат билан шўғулланиш ўрнига босқинчилик билан ўзгалар мол-мулкни талон-тарож қилиш натижасида бойлик орттиришни истовчиларнинг ҳам баъзида учраб туриши ачинарлидир.

Айтиш жоизки, ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш, ҳусусан, босқинчилик, тавламанчилик, талончилик, ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиш, фирибгарлик, ўғрилик каби қўриқилган ҳолатларнинг тарқалиши билан жиноятлар туркумига кириб, у миллий иқтисод, унинг тармоқлари ёки соҳаларига зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган ва жиноят қончилигида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади.

Босқинчилик улар орасида энг кўп учрайдиган хавфли жиноятлар сирасига киради.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат этсак. 1981 йилда Қарши шаҳрида туғилган Ренат Шавкатов муқаддам бир неча марта ўғирлик жинояти содир этгани учун судланган. Сўнгги марта жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2006 йил 17 февралдаги ҳукми билан тайинланган 3 йил 3 ой 10 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 74-моддасига асосан, иш ҳақининг 30 фоиз миқдорини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган ва ҳали бу жазони ўтамаган эди. Бироқ Ренат ўзига берилган имкониятдан фойдаланиб, тўғри йўлга тушиб олиш, хатоларини тузатишни эмас, аксинча яна жиноятга қўл уришни истади.

У Қарши шаҳар "Маҳаллот" маҳалласи «Ёшлик» кўчасидан

кетиб бораркан, қўларнинг маърашини эшитиши билан ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Сўнг оғилхона эшигини очиб, қўйхонага ўтди. Бироқ қўйхона эшиги маҳкам беркитилгани учун уни очишга кучи етмай, хонадон борди. Эшик ичкаридан беркитилган сабабли дераза ой-насини олиб, ичкарига кирди. Бироқ худди шу вақт болаларининг ҳолидан хабар олиб, ётоқхонадан чиқаётган уй соҳибаси Гавҳар опа номаълум кимсани кўриб қолади. Ренат эса аёлга пичоқ ўқталиб, ундан пул топиб беришини, акс холда ўлдиршини айтиб дўқпўписа қилади, ҳар эҳтимолга қарши телефоннинг симларини пичоқ билан кесиб ташлайди. Аёл уйда пули йўқлигини айтган, жиноятчи стол устида турган бир дона "Openbox" тўнерини, "Нокиа 6233" русумли уяли алоқа аппаратини, жами 300 000 сўмлик мол-мулкни босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиб, олиб кетаётган вақтда Гавҳар опа уни таниб қолганлигини айтди. Шунда ваҳимага тушган Ренат қўлидаги нарсаларни ташлаб, қочиб қолади.

Судланувчи Р.Шавкатов ушбу жиноий ҳаракатлари билан Жиноят кодекси 164-моддаси 3-қисмининг "в" бандида кўрсатилган жиноятни қасддан содир этган. Қолаверса, Р.Шавкатов илгари икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, бу жиноятларининг



Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

"XXI ASR TEXNOLOGIYALARI"
журнали саҳифаларида

Буюк жараёнлар

Термоядро реакцияси

Термоядро реакциялари юқори температурада енгил атом ядроларининг бошқа оғирроқ атом ядролари билан бириктириб жараёнидир.

Масалан, Қуёш ва галактикамиздаги бошқа юлдузларда юзага келадиган энергиянинг асосий манбаи уларнинг марказидаги водороднинг гелийга айланиш реакцияси ҳисобланади. Маълумки, термоядро реакцияси юз берганда катта миқдорда иссиқлик энергияси ажралиб чиқади. Жумладан, агар Қуёшимизда юз берадиган жараён хусусида гапирадиган бўлсак, бундай реакциялар ҳосил бўлган жойдаги ҳарорат Келвин шкаласи бўйича тахминан 15 000 000 градусни ташкил этади. Энергия Қуёш қаъридан нурланиш йўли билан унинг юза қисмига чиқади ва коинотга тарқалади.


Қуёшдан тарқалаётган энергия нурланиши тўлқин (электромагнит тўлқинлар) ва заррачали (корпускуляр) кўринишда юз беради. Электромагнит нурланишлар гамма — нурланишдан радиотўлқинларгача бўлган тўлқин узунликлари диапозонини ўз ичига олади. Корпускуляр ташкил этувчиси эса, асосан протон ва электронлар оқимидан иборат бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Қуёшдан тарқалаётган энергиянинг 2,2 миллиарддан бир қисмигина Ер юзасига келиб тушади ва унинг 55 фоизга яқини сайёрамизни ўраб турган атмосферада ютилиб, қолган қисми коинотга қайтиб кетади.

Фотосинтез жараёни

Қуёшдан Ер юзасига етиб келган иссиқлик ва ёруғлик биз яшаб турган сайёрамиз юзасидаги барча ўсимлик ва тирик жониворларнинг яшаши учун асосий омил ҳисобланади. Қуёш энергияси таъсирида ўсимликларнинг ўсишида юз берадиган ҳодиса фотосинтез жараёни деб аталади.

Фотосинтез, яшил ўсимликлар ва фотосинтезловчи микроорганизмларда қуёш нури энергиясининг органик моддалардаги кимёвий боғлар энергиясига айланиш жараёнидир. Бундай ажаб-товур ҳодиса ёруғлики ютувчи пигментлар (хлорофилл ва бошқалар) иштирокида юз беради. Ўсимликларда фотосинтезнинг умумий ифодаси:



Фотосинтез эркин энергиянинг ортиши билан борувчи ва Ердаги барча организмларни осон ўзлашадиган кимёвий энергия билан тўғридан-тўғри ёки билвосита таъминловчи ягона биологик жараён. Фотосинтез натижасида ҳар йили Ерда 150 миллиард тоннагача органик моддалар ҳосил бўлади. 300 миллиард тоннагача CO₂ ўзлаштирилади. Шунингдек, қарийб 200 миллиард тонна эркин O₂ ажралиб чиқади. Дастлабки яшил организмларнинг фотосинтез фаолияти туфайли Ернинг бирламчи атмосферасида кислород пайдо бўлган, озонли экран вужудга келиб биологик эволюция учун шарт-шароитлар яратилган.

Сувнинг ҳосил бўлиши

Мақтаб кимё дарслигидан маълумки, икки водород атомининг бир кислород атоми билан бирлашиши жараёнида сув ҳосил бўлади. Реакция довомида катта миқдорда энергия ажралиб чиқади. 100 та сув молекуласини ҳосил қилиш учун 100 та водород молекуласи ва 50 та кислород молекуласи сарф бўлади. Шундай қилиб, 1 мол (6,23x10²³ та молекула) сув олиш учун 1 мол водород (6,02x10²³ та молекула) ва 0,5 мол кислород (3,01x10²³ та молекула) талаб этилади. Ушбу реакция довомида 68 000 калория иссиқлик ажралиб чиқади.



Миллиардлаб йил муқаддам газ чангларида иборат совуқ булутларнинг вақт ўтиши билан қуюқлашиши ва зичлашиши натижасида Ер шари ҳосил бўлган ҳамда унинг таркибида муз чанглари кўринишидаги сув ҳам бўлган. Олимларнинг ҳисоб китобиغا қараганда, Ер сайёраси пайдо бўлгандан буён юзага келган умумий сув миқдори 3,4x10¹⁸ тоннага тенг. Бу катталиқнинг учдан бир қисми буғ кўринишида Ер юзасини тарқ этган. Ер юзасининг тўртдан уч қисми сув билан қопланган бўлиб, унинг умумий миқдори 1,4x10¹⁹ тоннага тенг. Агар умумий сув миқдори Ер шарининг барча қисмига тенг тақсимланса, у ҳолда Ер юзасида 3 км қалинликдаги сув қатлами ҳосил бўлар эди.

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Маммажон ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Баш муҳаррир вазифини бажарувчи: Абдували САЙБАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Матбуа ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қўбўхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлдошев. Навбатчи — Ф.Хидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳрир матбуоти: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolatgzt.uz adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг тасмадан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК бўлмаган ташкилот. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 900. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз ГИНИ А-2. Адади — 7123. Босишга топшириш вақти — 21.35. Босишга топширилди — 22.30.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2041-5217

7720715210017